

«КОИНОТ»ДА ЧАР АҚЛАТ АН ЮЛДУЗЛАР



МАСКАНМИСАН МАСКАН!

Ёз - саховатли меҳри қайноқ фасл. Лекин бу ибора билан бошқа фаслларнинг қадри камайиб қолмайди. Отахон шоиримиз айтгандек: «Хар фаслнинг ўз зийнати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати...»

Ёз - дам олиш, таътил фасли. У келиши биланоқ табиат қўйнига, дам олиш масканларига ошиқамиз. «Бутун ўқув йили давомида чанқоқлик билан билим олган болажонларимиз, яхши ҳордиқ чиқараяспизми?» - худди шу саволга жавоб олиш мақсадида Фарғона вилояти таълим ва фан ходимлари касаба кўмитасига қарашли болалар дам олиш маскани - «Коинот»га ташриф буюрдик.

Эҳ, нимасини айтасиз: масканмисан маскан! Ҳаммаёқ дарахтлар салқинига бурканган. Ҳавонинг мусаффолигини айтмайсизми... Рост, беихтиёр бола бўлиб қолгим келди... Ҳаммаёқ саранжом-саришта, намунали тартиб-интизом. Тан бермай иложимиз йўқ!

Нўмонжон ака Эргашев - ушбу маскан раҳбари, кўринишларидан анча вазмин киши эканлар. Лекин меҳр шигил! Биз бунга дийдорлашув чоғида ишонч ҳосил қилдик.

Нўмонжон ака шаҳар мактабларидан бирида жисмоний маданиятдан сабоқ берар эканлар. Демак, спорт мусобақаларига кенг йўл очиб берилган!

ЖОНКУЯР РАҲБАР

- Болаларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун керакли шарт-шароитларни муҳайё этишга ҳаракат қилмоқдамиз, - дейди Нўмонжон ака биз билан суҳбатда. - Ҳозирги навбатда масканимизда

320 нафар бола ўрнига 350 нафар бола яйраб ҳордиқ чиқаришмоқда.

-Ортиқча бола қийинчилик туғдирмайдеми?

- Асло. Масканимизга талабгорлар талайгина эканлигини ҳисобга олиб, қўшимча ўринлар ҳозирлаб қўйганмиз. Уларга малакали олий тоифадаги ўқитувчилар ва Ашурали Зоҳирий номидаги педагогика билим юрти талабалари тарбиячи ва етакчи этиб тайинланган.

УЧУТТИЛМАС БЕЛЛАШУВЛАР

- Етакчи ёки тарбиячи маълум бир тўгаракни бошқарса керак?

- Баъзилари - ҳа. 12 та тўгаракка ўз ишининг кўзини билган мураббийлар раҳбарлик қилишмоқда. Куни кеча ажойиб беллашув бўлиб ўтди. Унда 30 нафар бола шахматнинг халқаро устаси Анатолий Ким билан дона сурдилар. Шу десангиз, байрамга айланиб кетди бу тадбиримиз! Ҳамма хурсанд бўлди.

«ОСИЁ БОЗОРИ»ГА МАРҲАМАТ

- Масканингизни бой дейишди, унинг ўз «валютаси» бор, деб эшитдим, - дейман ўсмоқчилаб.

- Бу «сир»имиздан ҳам хабардор экансиз-да! Тўғри. Дам олувчиларимиз тадбирлар давомида балл-жетон тўплайдилар. Жамғарилган «пул»ларига навбат охирида ўтказиладиган «Осиё бозори»дан ўзларига ёққан нарсаларни харид қиладилар. Бу тадбирда болажонларимиз ҳам савдо-сотиқни ўрганидилар, ҳам эсдалик совғаларига эга бўладилар.

- Шундай ибратли тадбирларни ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Моддий таъминот масаласи қандай ҳал қилинапти?

- «Соғлом авлод йили»да Кўқон шаҳар ҳокимлигининг маънавий ва маърифат бўлими томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Яқинда 1900 сўмлик болалар ўйинчоқларини тақдим этишди. Бу совғалар «Осиё бозори» орқали болаларга «савдо»га чиқарилди.

- Ёш авлодда халқимиз ўтмишига меҳр, маънавиятимизга қизиқиш уйғотувчи тадбирлардан сўзлаб берсангиз?

- Масканимизда «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» деб номланган уч-р аш у в ўтказилиб т у р и л а д и. Унга уруш ва меҳнат фахрийларини тақлиф этамиз. Болалар уларга одоб-ахлоққа оид саҳна кўринишларини намойиш қиладилар. Фахрийлар ҳам ўз навба-тида мустақиллигимиз, қадриятлар

ҳақида ҳикоя қилиб беришади. Бу тадбир дам олувчиларимизда ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришга ёрдам беради.

МАЪНАВИЯТ САРҶАШМАЛАРИ

Санъатга, айниқса миллий санъатимизга меҳр уйғотувчи қандай тадбирлар ўтказилмоқда?

- Бизда миллий фольклор дастури бор. Ундан халқ лапарлари, касб кўшиқлари, анъанавий кўшиқлар жой олган.

Тарих билан ҳамнафас

Болалар билан мириқиб суҳбатлашдик. Сўнг, улар чўмилиш ҳавзаси томон йўл олишди.

- Ҳозир Кува гуруҳи Кўқон шаҳри бўйлаб «Икарус»да сайр қилмоқда, дейди Нўмонжон ака. - Улар ўлкашунослик музейида бўлишади, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишади. Булар ичига тарихий обидалар билан танишув ҳам киради. Бу каби саёҳатларга шаҳар ички ишлар бошқармасининг ДАН бўлими ҳомийлик қилиб келмоқда.

СОҒЛОМ ТАҶИДА - СОҒ АҚЛ

-Энг қизиқарли тадбирларга спорт мусобақалари киради. Соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялашда бу жуда муҳим, шундай эмасми?

-Тўғри топдингиз, кеча иккинчи навбат спорткиадаси тантанали суратда очилди. Бундан бу ёғига спорт мусобақалари авж олади. Бу тадбирларимизга малакали мураббийларимиз Муроджон Фафуров ҳамда Матлубахон Аминовалар бошчилик қилишди.

- Маънавият нуқтаи назаридан китоб ва вақтли матбуотдан хабардор бўлиш ҳам соғлом тан ақлий қувватини оширади.

-Жуда тўғри фикр. Кутубхонамиз кечаю кундуз дам олувчилар хизматида. Китоб конференциялари, «Янгиликдан хабарингиз борми?», «Эртақлар оламига саёҳат» каби тадбирларимиз ана шу мақсадга йўналтирилган.

ДОШНИЙ ИЛҚАВАНДАЛАР

Шу пайт Нўмонжон ақанинг хоналарига болажонлар кириб келишди, улар билан танишамиз:

Темур Жумаев - 5-гуруҳ дам олувчиси, Фарғона шаҳридан 4-синф ўқувчиси:

-Ҳар йили 2-3 мавсумда шу масканда дам оламан.

- Темур, сизга қандай тадбирлар кўпроқ ёқади?

-«Кувноқ экспресс!» Унда 7 та бекат бор: қўшиқ, рақс, шеър айтиш, пантомима, эртақ айтиш бекатлари. Жудаям қизиқарли уйин!

Дилрабо Умматова - 4-гуруҳ дам олувчиси, кўқонлик.

- Тадбирлар қизиқарли. Келгуси йилда ҳам шу ерда дам олмоқчиман.

- Мен ўтган йили ҳам шу масканда дам олган эдим, - суҳбатимизга қўшилди унинг ҳамшаҳари Шаҳноза Каримова:

- Менга айниқса, «Осиё бозори», «Нептун» байрамлари ёқади.

3-гуруҳ шу ном билан аталар экан. Ётоқхонадамиз. Хоналари тоза, ўринлар чиройли қилиб тартибга келтирилган. Бу орада

дам олувчи икки «Булбулча» билан ЧАҚЧАҚЛАШУВ қизалоқ - зодиёнлик Муҳайё Аминова ва

бағдодлик Шоира Насриддиновалар навбатчилик қилишаётган экан. Танишув давомида ташқаридан саф тортиб келаётган болаларнинг овози янгради:

«Булбулча», «Булбулча», Сайрайвер тонг отгунча!

- Гуруҳимиз болалари футбол ва волейбол мусобақасидан келишяпти! - дейди Шоира қақажонлик билан.

- Хўш, ким ютиб чиқди? - дейман хонага кириб келган болаларга.

- Ассалому алайкум! Йес-с!

Биз иккаласида ҳам биринчи ўринни олдик!

- Табриклайман, - дейман тўлқинланиб.

- Ўғил болалар футболдан, қизларимиз эса волейболдан ютиб чиқишди! - мағрурланиб қўшиб қўйди Шоира. - Болаларимиз - «Класс!»

Хурсандчиликни кузатаман. Гуруҳда иккитадан Фотима-Зухра бор экан.

- Демак, «Булбулча» эгизаклар гуруҳи экан-да, - дейман ҳазиллашиб.

- Ҳа! - дейишади «Булбулча»лар. - Йулдошевлар ва Тўйчибоевалар! Тўртталаси ҳам волейболда - во!

... «Коинот» - мириқиб дам оладиган маскан. Болалари ундан ажойиб! Шу фикрни ҳаслимдан ўтказиб, жилмайиб қўйдим.

Ҳар куни қуёш билан бирга турадиган Жасур негидир ҳали ҳам ўрнидан тургани йўқ. У нимадан-дир истиҳола қилаётгандай, кимдандир қўрқайтгандай, бошини кўрпа билан ўраб олибди. Ҳа, тушунарли, бугун ҳам ўрнини ҳўл қилиб қўйган кўрилади. Жасурнинг ота-онаси уришиб беришмайди-ку, аммо «Қандай чора кўрсак экан?», деб бош қотиришади. Унга ўхшаш болалар кўп учрайди орамизда. Улар бундай ҳолат касалликнинг бир тури эканлигини билишмайди. Даволаниш учун эса

бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Собирова Мавлуда Тоҳировна, Болалар ўпка касалликлари бўлими бошлиғи, олий тоифали шифокор Нурмухамедова Мавлуда Исмоиловна, Баниология бўлими бошлиғи Юсупова Мунира, Физиотерапия бўлими бошлиғи Султонова Дилбар Қораевналарнинг меҳнатлари қорақўзларнинг жисмонан соғ бўлишларига қаратилган.

2000 йил - Соғлом авлод йили


ларда бемор болаларнинг нафақат асосий касалликлари, балки ҳамроҳ касалликлари ҳам даволанади.



Ўтиб даволанишга имкони йўқ бо-

лалар учун 30 ўринга мўлжалланган, тажрибали шифокор Шарофуддинова Махсума раҳбарлигидаги кундузги шифохона хизматига тайёр. У ерда керакли муолажаларни кундузи олиб, кечки пайт уйга кетиши мумкин. Яъни, уйдан қатнаб даволаниш мумкин.

Шифохона тасарруфида бир кунда 120 нафар беморга хизмат кўрсатадиган, Саидалиева Мактуба Нажмиддиновна раҳбарлигидаги поликлиника ҳам бор. Замонавий тиббий ускуналар ёрдамида беморларнинг соғлиги



МЕНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИНГИЗ

-Менинг отам ошқозон яраси касаллиги билан узоқ вақт оғриб вафот этган. Шунинг учунми, билмадим менинг ҳам қорним ҳар оғриганида худди ўлиб қоладигандай ҳис қилардим, ўзимни,- дейди Самарқанд вилояти, Темирийўлчилар туманидан келган 15 ёшли Вазира Пўлатова,- мен жуда ҳам қорайиб, озиб-тўзиб кетгандим. Бир куни бувим «Юр, сени Тошкентга ўзим олиб бориб, яхши шифокорларга даволатаман» деб мажбуран «Семашко»га ётқиздилар. Менга «Ўн икки бармоқли ичаги шамоллаган» деб ташхис қўйишди. Даволаниш жараёнида борган сари енгиллашиб, оғриқларим қолиб, ўзим ҳам семириб, оқариб чиройли қизга айланиб қолдим. Мен учун бу ҳақиқий мўъжиза эди.



Тошкентда жойлашган «Н. А. Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физиодаволаш илмий текшириш институти»га борсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Анзират хола эса невараси Камолдан хавотирда. Камол кечаси босинқираб чиқади. У ҳам майлига, ўрнидан туриб ташқа-


таъмирдан чиққан, озода палаталар диққатимизни тортди. Ҳамма хоналарда алоҳида сув тармоқлари ўрнатилган бўлиб, стол ва стуллар, шкафлар жойлаштирилган. Бундай имкониятлардан бо-

ла-

«ЛУНАТИК» БОЛАГА ЙЎЛДАНИМА

тикланади.

- Ота-оналарнинг озгина бепарқлиги ҳам панд бериб қўйиши мумкин,- дейди Болалар ошқозон-ичак касалликлари бўлими бошлиғи Ҳамидова Гулчеҳра Халиловна,- чунки шифохонамизда асосан парҳез таомлар, сут маҳсулотлари истеъмол қилинади. Бундай таомнома муолажа жараёнида катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳеч бўлмаса даволанаётганда, олмадан бўлак бошқа мевалар, қовурилган овқатлар, турли чанқоқбосди ичимликлар ичмай туришлари лозим. Албатта ота-оналар тансиқ ва лаззатли таомларни ўз фарзандларига илинганларидан олиб



раҳбари Аляви Анис Лутфуллаевичнинг болаларга бўлган ғамхўрлиги кўриниб турибди. Янги, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган дам олиш хоналари эса ҳамisha болалар учун шай турибди..

Болалар, «Касалликни яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деган нақлни ҳаммангиз эшитгансиз-а. Касалликни яшириб, ўзби-

риларни бир айланиб келади. Ўзи ухлайдию, лекин йўлда чалғимай, тўғри дарахтга ёки томга қиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Кейин яна жойига ётиб ухлайверади. «Агар шунақа пайтда биров уйғотиб юборса, юраги ёрилади», деган ваҳимани эшитган бувиси не қиларини билмай, жони ҳалак. Уни дўстлари «Лунатик» деб чақирришади. Камолга ўхшаш касал болалар учун «Семашко»да махсус каравотлар бор. Унинг бош томонида махсус мосламалар бўлиб, беморнинг бошига кийдириб қўйилади. У бош нерв ҳужайраларининг дам олишига кўмаклашади. Болалар асаб касалликлари бўлими бошлиғи шифокор Саримсоқова Доно Ҳасановна қанчадан-қанча беморларнинг ҳалоскори. У хаста кўнгилларни даволашда тинимсиз меҳнат қилмоқда.

«Семашко»нинг Болалар бирлашмаси раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Умарова Ҳолида Турсуновна бошқа бўлимлар фаолияти билан ҳам таништир-

- Шифохонамиз 160 ўринга мўлжалланган. Бу ерда Республикаимизнинг турли вилоятларидан келиб даволанишади. Хоҳловчилар турар жойларига қарашли поликлиникалардан йўлланмалар олишлари мумкин. Йўлланмалар институтимиз томонидан ажратилади. Бизда ниҳоятда малакали шифокорлар ишлайди. Шулардан Болалар бўғим касалликлари



БОЛАМ ЮРИБ КЕТДИ.

дейди Тошкент шаҳри, А. Икромов туманидан келган она - Зулхумор Тўлаганова,- қизим Ҳамидуллаева Феруза 9 ойлик бўлганда ҳам ўтира олмас, ўзини тута олмас эди. Жуда қўрқиб кетдим. Биз бу ерга шифо излаб келганимизда, «Болалар фалажи» деб ташхис қўйишди. Биз ҳар олти ойда ётиб даволанамиз. Ўша биринчи марта даволанганимиздаёқ қизим ўтирибгина қолмай, тикка туриб, каравотни ушлаб юрадиган бўлди. Ҳозир қизим 2 ёшга тўлди, яхши ривожланыпти, тетик. Муолажалар самарали таъсир қилляпти. Меҳрибон, ғамхўр шифокорларга беадад раҳмат дейман.

лармонлик билан чора кўришни ҳаёлингизга келтирманг. Чунки бу ёмон асоратларга олиб келади. Энг

яхшиси, шифокорларга тўғриси гапиринг. Уялиб касалингизни бекитсангиз, шифокорларнинг тўғри ташхис қўйиб даволашларига ҳалақит берган бўласиз. Орамизда шундай болалар борки, улар кўринишидан соғломга ўхшайди. Қандайдир касаллик безовта қилаётганини билсалар-да, атрофдагиларга айтмайдилар. Охир оқибатда ногирон бўлиб қолишлари мумкин. Агар вақтида шифокорга мурожаат этилса, ёмон асоратлар келтириб чиқариши мумкин бўлган касалликнинг олидини олган бўладилар. «Семашко» ҳам шундай бир маскан. Бўлим-



келадилар. Бироқ бу таъқиқланган. Ҳар бир бола назорат остида бўлади. Шифокордан ташқари ҳамширалар, тарбиячилар ҳам болалар учун кўз-қулоқдир.

Шифохонадаги минг дардга даво маъданли сувнинг таърифи сизларга ҳам ётиб боргандир. Шаҳримиз аҳолиси атайлаб «Семашко»га бориб, ундан идишларини тўлдириб, уйга

олиб кетадилар. Агар вақтингиз бўлса, сиз ҳам ушбу маъданли сувдан ичинг. Ҳар қандай губорларни ювади у.

Муҳаррама ПИРМАТОВА.

- Мазкур йилимиз юртбошимиз томонидан "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинди. Бу сиз - болалар жонкуярларига қандай масъулият юклади?

- Айни муддао бўлди. Шунингдек, ҳаракатимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига алоҳида масъулият юклади. Ёш авлоднинг, Ватанимизнинг келажаги бизнинг сермахсул фаолиятимизга боғлиқ эканлигини янада чуқурроқ ҳис этиялмиз. "Соғлом авлод йили" инсон, оила, аёллар манфаатини рўёбга чиқаришдаги давлатимиз гамхўрлигининг яна бир кўринишидир. Оилаларимиз мустақкам, аёлларимиз соғлом бўлсагина, келажакимиздан умид қилсак бўлади. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Хотиржам оиладагина ҳар томонлама баркамол болалар тарбия топади.

- Жамғармангизда бу борада амалга оширилаётган ишлар, режаларингиз хусусида гапириб берсангиз.

- 1993 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаятган жамғармамизнинг асосий мақсади 16 ёшгача бўлган болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногирон ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, болалар шифохоналарига ёрдам кўрсатишдан иборат. Жамғармамизнинг 14 та худудий бўлинмалари, 100 дан зиёд таянч пунктлари мавжуд. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида Тиббий-ижтимоий патронаж дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурдан кўзланган мақсад - асосан чекка худудлардаги оилалар турмуш тарзининг санитария-гигиеник шароитлари, психологик иқлими, аёллар ва болаларнинг соғлиқ даражасини аниқлашдан иборат. Шу

мақсаддан жамғарма томонидан Германиянинг «Карл Цейсс Йейна» фирмасидан замонавий тиббий ташхис техникаси билан жиҳоз-

ўқувчиларининг тиш ва оғиз бўшлигини парваришлаш бўйича «Жозинадор табассум», ўсмирлик даврида гигиена ва физиология бўйича «Ба-

ИШСIZ ҚОЛСАК ҲАМ МАЙЛИ

Соғлом фарзанд оила бахти, соғлом авлод эса жамиятимиз кўрки. Шундай экан, фарзандларимизни соғлом, бақувват қилиб камол топтириш ҳар бир ота-онанинг, оиланинг, қўйинг-чи, жамиятнинг мақсади, маслагидир. Бу борада жуда кўплаб ибратли ишларни амалга ошираётган ташкилот ва муассасалар қаторида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро жамғармаси ҳам бор. Жамғарманнинг «Оналик ва болалик» бўлими бошлиғи Дилшод Аҳмедов билан бўлган суҳбатимиз «Соғлом авлод йили»да қилинаётган ишлар, жамғарма фаолияти, режалари хусусида бўлди:

ланган 15 та «Mercedes-Abulance» автомобиллари сотиб олинди. Малакали шифокорлар ёрдамга муҳтож аёллар ва болаларни аниқлаш, уларга керакли тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича иш олиб боряптилар. Ундан ташқари мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш бўйича кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Проектер энд Гэмбл» компанияси билан биргаликда ўқув-соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқарилди. Қуйи синф



лоғат даври» машғулоти шулар жумласидандир. Бундан ташқари ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида истеъдодли болаларни кўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида кўплаб танлов ва олимпиадалар ўтказилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида шаҳримиздаги 89-мактаб қизлари орасида ўтказилган «Ёш шахризода» хайрия тадбирини, меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб интернатларида тарбияланаётган болалар ўртасида уюштирилган «Камалак жилоси» расмлар танловини келтиришимиз мумкин. Танловда 150 нафар бола қатнашди. Ишлари энг яхши деб топилган 40

2000 йил - Соғлом авлод йили

қатнашчига «Соғлом авлод учун» жамғармасининг совринлари топширилди...

- 15-июль куни ўтказилган узлуксиз марафон ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

- «Соғлом авлод йили»га бағишланган бу марафон хайрия тадбири бўлиб, у 20 соат узлуксиз тарзда давом этади. Унда жамғармамиз фаолияти, шунингдек, унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимларида амалга оширилаётган ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари хайрия дастурига файз киритади. Марафондан тушган маблағ тўлалигича хайри ишларга сарфланади. Фурсатдан фойдаланиб, серҳиммат корхона ва ташкилотларни савоб ишга улуш қўшишга чақирамиз. Шу мақсадда «Соғлом авлод учун» республика жамғармасининг ҳисоб рақамини эълон қиламиз: 20212000000431338001 в Глав. Опер. Отд. НБ ВЭД РУЗ ФО 00407, ИНН-200548507.

- «Тонг юлдузи» муштарийларига қандай тилакларингиз бор?

- Энг олий ниятим - фарзандларимиз соғлом бўлишсин. Ногирон болалар туғилмасин, меҳрибонлик уйлари бўшаб қолсин, оилаларимиз тинч, ўзига тўқ бўлсин. Унда сизлар ишсиз қола-сизлар-ку, дерсиз. Майли, биз ишсиз қолсак ҳам фарзандларимиз соғлом бўлишса бас.

Феруза ЖАЛИЛОВА
суҳбатлашди.

ЭЛЕКТРОН КОРХОНАМ БЎЛАДИ

Мен келгусида «Microsoft windows» фирмасига рақиб сифатида янги кўшма корхона ташкил этиб, бу корхона номини «Турон Замин» деб номламоқчиман. Корхонани аввалига фирма кўринишида, кейинчалик эса компания ёки корпорация кўринишида ташкил этмоқчиман. Мен бу корхонани жаҳондаги машҳур фирма ва компаниялар билан рақобатлашадиган даражага олиб чиқмоқчиман. Кўшма корхонамни дастлаб ривожланган ва ривожланиб бораётган Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликда, шу мамлакатларнинг инвестицияларини жалб қилган ҳолда ташкил қилмоқчиман. Унга Ўзбекистон Республикаси макро иқтисодиёт вазирлиги, Алоқа вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати тармоқлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Республика «Улугбек» жамғармаси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги таъсис бўладилар, деб умид қиламан.

Фирманинг фаолиятига XXI аср техника воситаларини яратиш ва уларни турмушимизда мукамаллаштириш (компьютерлар, роботлар, алоқа воситалари, видеотелевоситалар, бошқарув дастурлари) киради.

Фирманинг дастлабки фаолиятида керак бўладиган маблағларни таъсисчилар томонидан жалб қилинган инвестицияларга ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга қаратилган банкларнинг имтиёзли кредитлари ва лизинг шартномаларига таяниб йўлга қўймоқчиман. Янги асримизнинг ишлаб чиқариш технологияси шундай бўлиши керакки, инсонлар турмуш тарзини янгиланишга, энгилланишга ва муваффақиятли бўлишга қаратилиши лозим.

Бугунги кунда иқтисодиёт фани XXI аср фани сифатида эътироф этилмоқда. Биз республикамиз ёшлари янги асрда жамиятимиз равнақи учун қўлимиздан келадиган ҳамма ишларни бажаришга тайёрмиз. Мен келажакда юқоридаги ўз дунё қарашимдаги фикрларни ҳаётга тадбиқ қилишда, янги фикрлар ва яратувчилик туйғуси билан яшайман, шунга интилиб ўқимоқдаман, ўрганмоқдаман ва албатта орзуимга етаман!

Ином ҲАЛАНОВ,
Бухоро вилояти, Жондор туманидаги
20-ихтисослашган иқтидорли болалар
мактаб-интернатининг 8-синф битирувчиси.

ДЎКОНИМГА МАРҲАМАТ

Янгиер кўчаларининг бирида чорраҳа жойлашган. Чорраҳанинг биринчи томони кўп қаватли бинолар, иккинчи томони лицей, учинчи томони эса «Бахт уйи» жойлашган. Тўртинчи томонига «Нима қуриш керак?» деган савол туғилади. Бунинг учун биз аҳоли талаб ва таклифларини ҳисобга олдик.

Биноларда истиқомат қилаётган кишилар озиқ-овқат дўконини улардан узоқда жойлашганлигини ва тўй-ҳашамлар ўтказиш ноқулайлигини айтишди. Мен ва иш бошқарувчим лицей талабалари билан суҳбат уюштирдик. Талабаларнинг кўпи лицей ошхонасининг яхши эмаслигини, ундаги таомларнинг қимматлигини айтишди. Улар ва шу ерлик аҳолининг 80,90 фоизи озиқ-овқат дўкони, ошхона ва ресторан қуришни таклиф қилдилар. Мен SUPERMARKET қуришни режалаштирдим. Бино икки қаватдан иборат бўлади. Биринчи қаватнинг ярмини озиқ-овқат дўкони, ярми кийим-кечак, моддий буюмлар учун мўлжалланапти. Унинг ёнига кичик ошхона қурилади. Ошхонада миллий таомлардан ташқари, ҳар хил ичимликлар, музқаймоқлар сотилади. Бинонинг иккинчи қавати эса катта зал бўлиб, у тўй-ҳашамлар учун мўлжалланмоқда.

Сарф-ҳаражатлар ҳақида қуйидагиларни айтишим мумкин. Бино қурилишига 30 000 000 сўм сарф қилинади. Уни жиҳозлаш учун 3 000 000 сўм, товар айрибошлаш учун 7 000 000 сўм сарф қилсам, жами 40 000 000 сўм кетади. Бу маблағни Самарқанддаги «Алижон» хусусий фирмасидан қарз оламан. Қарзимни бир йилда қайтараман.

Тўй-ҳашамлар учун ресторан ижарасини 40 000 сўм деб белгиладим. Бир ойда унта маросим ўтказилса, 400 000 сўм, ошхонадан бир ойда 180 000 сўм, кийим-кечак, озиқ-овқат дўконларидан бир ойда 1 000 000 сўм фойда олса бўлади. Дўконимдан бир ойлик фойда 1 740 000 сўм бўлади.

Беход БЕКТЕМИРОВ,
Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри,
3-мактабнинг 8-«А» синф битирувчиси.



Асрол МУХТОРОВ,
Ўзбекистон халқ устаси

КОШИН СИРЛАРИ

Оқсаройда гишт териш ишлари битиши арафасида Темур усталарни обиданинг кошинкорлик ишларини бошлашга шоширибди. Амирнинг зўрма-зўраки топширигига бардош беролмаган бош меъмор бино гумбазининг марказига ички томондан темир занжир боғлаб, ердан одам бўйидан сал баландроқ қилиб қолдириб, ўзи қочиб кетибди. Нақш ишларини бажариш учун бош меъмор ўрнини босадиган одам топилмаганлиги сабабли кошинкорлик ишлари бажарилмай қолибди. Орадан икки йил вақт ўтгандан сўнг уста Шаҳрисабзга қайтиб келибди ва сарой ичига кириб темир занжирнинг сезиларли даражада пасайганини кўрибди-да, Амир Темур олдига бориб безаш ишларини бошлаш учун рухсат сўрайди. Амирнинг:

-Нега биноларнинг кошинкорлик ишларини бошламасдан қочиб кетдинг? - деган саволига у:

-Курилиш қондасига биноан безагини бошлашдан олдин унинг гумбаз, равоқ, пештоқи ўз ўрнига тушиши учун вақт керак эди, - дейди. - Буни айтсам ҳеч ким менга ишонмаслигини фаҳмлаб қочишга мажбур бўлдим.

Амир устага офарин айтиб, уни рағбатлантирибди. Ҳа, уста пухталиги билан уста-да!



Кўп болалар дарсдан бўш вақтларида тўғарақларга қатнаб, турли ҳунарларни эгаллашади. Аммо орамизда ҳавас учун ўрганган ҳунари, улғайганида ҳаётининг мазмунига айланган одамлар ҳам бор.

Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов ҳам 10 ёшида ўқувчилар саройидаги ганчкорлик тўғарақига борган эди. Йиллар давомида машҳур уста Маҳмуд Усмоновдан ганчкорлик сир-асрорларини ўрганган ёш Асрол 1976 йили Тошкент халқ хўжалик институтининг таъминот бўлимини тугатган бўлса-да, серзахмат, аммо нафис ва гўзал санъат олаmidан чиқиб кетолмайди. Охир-оқибатда 1979 йили уста Маҳмуд Усмоновдан оқ фотиҳа олиб, ганчкорлик бригадасини бошқаради. Шогирдлари билан бирга Тошкент шаҳар ҳокимияти биноси, Республика Олий Мажлиси биноси ва бошқа кўплаб иншоотларни безатади. Бугунги кунда устанинг 50 дан ортиқ шогирдлари қаторида ўғиллари Сайдақром ва Саидқромлар ҳам юртимиз гўзаллигига ҳисса қўшмоқдалар.

Асрол Мухторов ўз устози Маҳмуд Усмонов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан "Уста ва шогирд одоби" номли китоб ёзди ва ўз маблагидан уни чоп эттирди. Ўзбек халқ ҳунармандчилиги, уста ва шогирд, устознинг шахсий ва касбий фазилатлари ҳақида сўз юритилган ушбу китобчада садоқатли шогирднинг ҳаёт тажрибалари ҳам намоён бўлган.

Беихтиёр таътил кунларида вақтини ҳунар ўрганишга бағишлаётган болалар учун Асрол МУХТОРОВнинг изланиш ва интилишларидан иборат битикларни газетамиз саҳифаларида чоп этгимиз келди. Чунки, устозга ҳурмат, шогирдларга панду насиҳат, халқ амалий санъатига садоқат халқ устаси Асрол МУХТОРОВ ижодида мужассам эди. Таътил кунларида уста ўғитларига, илмий ва ижодий изланишларига ҳамроҳ бўламиз.


Устозларга ташаккур



КАЛТА МИНОР ЁХУД КЎКМИНОР

Муҳаммад Арслонхон бу Минораи Каломга Бухоро қудратининг буюклиги, санъатининг чўққиси сифатида қарар экан. Ҳар куни эрталаб тахтга ўтириш олдидан дарчадан минорага тикилиб турар, унинг салобати, гўзаллиги, нафосати хонга қувонч бахш этиб, кўнглини юмшатар экан. Шундан сўнг у тахтга ўлтириб, арзчиларни тинглаб, ҳукм чиқараркан. У минорани шундай яхши кўрарканки, жаҳонда ҳеч қачон бунга ўхшаган яна бир минора пайдо бўлмасин, деб ҳар намоз пайтида Оллоҳдан илтижо қилиб сўрар экан.

Айтишларича, Муҳаммад Арслонхон вафот этгандан кейин унинг руҳи ўз минорасидан баландроқ, гўзалроқ минора қурдирмоқчи бўлган шоҳларнинг тушларига кириб, уларни бу йўлдан қайтараркан. Лекин, Хива хони Муҳаммад Алихон ўз ниятидан қайтмабди. Қурилиш бошлаганидан кейин ҳам Муҳаммад Арслонхон Хива хони тушига кириб, уни бир неча бор безовта қилибди. Лекин Хива хонининг қарори ўзгармабди. Шундан сўнг Арслонхоннинг руҳи тунда Азроилни Муҳаммад Алихон ётоғига бошлаб келибди. Хива хони тўсатдан вафот этибди. Шу-шу минора чала қолибди. Ҳозир у Калта минор ёхуд Кўкминор деган ном билан Муҳаммад Алихон мадрасаси ёнида қад кўтариб туради.



БИРЛАМЧИ ТЕРИШ

Нақл қилишларича, Кўкгумбаз масжиди қурилишини бошлашдан олдин Самарқанд ҳокими Абдуллатиф чолларни йигиб: «Ораларингда 12 ёшдан бу ёғига гуноҳ қилмаган одам бўлса чиқиб, бирламчи гиштни кўйсин», - дейди. Ўзининг бегуноҳлигига тўлиқ ишончи бўлмагани сабабли, ҳеч ким майдонга чиқишга журъат этмайди. Шунда Абдуллатифнинг ўзи «Бирламчи гиштни фақат ўзим ўрнатмоғим мумкин, чунки мен ҳамма вақт шарират қоидаларига тўлиқ итоат қилиб келганман», - дейди. Демак, қурилатган иморат кўркам, мустаҳкам бўлиши учун унинг биринчи гиштини бегуноҳ, иймонли, серфарзанд одам кўйиши зарур.

МИНОРАИ КАЛОН

Миноранинг қурилиш тарихи жуда қизиқ. Ривоят қилишларича, бир кун Бухоронинг марказий минораси кулаб тушибди. Муҳаммад Арслонхон ўша миноранинг ўрнида янгисини қуришни фармон беради. Янги «ҳа» деганда топилавермайди. Ниҳоят, бир муҳандис - уста бу юмушни бажаришга истак билдиради. У хондан Мовароуннахрдаги барча оқ туяларнинг бир кунлик сутини ва оқ товукларнинг бир кунлик тухумини жамлаб келтиришларини сўрайди. Дарҳол фармон берилади ва тезда бу воситасида оқ ҳарсанг тошлардан миноранинг пойдеворини тиклайди. Қурилиш тез муддат ичида тугалланади. Бу улғувор, буюк минорани хон ҳам, аъёнлари ҳам, ўша пайтда ҳозир бўлган Хитой элчилари ҳам бир овоздан: «Боқий минора» деб атади. Арслонхон муҳандис - устага қимматбаҳо тўхфалар инъом қилади ва унга Боқо, деган хос лақаб беради.

МАТОНАТЛИ МАЛИКА

Хотин подшоҳ ўз вилоятини турклардан ҳимоя қилиш учун атрофини девор билан мустаҳкам қилиб ўраб олган экан. Ундан ибрат олган Бухоро амири Мухтадий ибн Ҳаммол ва Муҳаммад ибн Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Мансур даврида ҳам девор қуриб олишган. Кейинчалик келиб кетган подшоҳ ва амирлар ҳам деворларни янгиллаб, атрофга ўрашни давом эттиришган. Ўша девор дастлаб хотин подшоҳ томонидан қурилгани учун кампирдевор деб аталган бўлса ажаб эмас.

ЛАБИҲОВУЗ

Ривоятларга қараганда хон амалдорлари Нодир полвонбеги узоқ вақт режалаштирилган сув ҳавзасини вақтида қура олмаган экан. Чунки, ҳовуз қуриш учун кўзда тутилган жойда ёлғиз аёлнинг кулбаси бор эди. У аёл ўз кулбасини бузиб юборишларини асло истамайди. Ночор қолган вазир наварқарларига кулба остидан ариқ ўтказишни буюрган. Ариқ битиб, сув оқа бошлагач, ўз-ўзидан маълумки аёлнинг кулбаси нурай бошлаган. Оқибатда ёлғиз аёл ўз кулбасини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Шунинг учун бу ҳовуз халқ орасида "Ҳовуз базур", яъни зўравонлик ҳовузи деб атала бошланган. Ҳар бир ҳарфи маълум бир рақамнинг ифодалаган араб хатида ёзилган бу сўзларни ўқиганимда ниҳоятда таъсирландим ва билдимки Лабиховуз-1620 йилда қурилган экан.

(Давоми бор).

ADASHGAN BALIQLAR

Rahim aka kartoshka jo'yaklariga suv tarayotgandi. Ariqda suv bo'tana bo'lib oqardi. Yengilgina shabada esayotgani uchun Sardor bilan Farhod o'zlarini yasagan «Beshqamish» varraklarini tepalikdan turib uchishar. Rustam esa egalariga quyish uchun adasiga suv qog'oz tashishayotgandi. Shu payt uchinchi egadagi suv to's-to'palon, shalop-shulup bo'lib ketdi-da? Ariqhadan oqish o'rniga egatga urib ketdi.

Ada, suv toshib ketyapti. - chaqirdi Rustam nima gapligini tushunib yetmayoq.

Rahim aka qo'lida ketmoni bilan yugurib ketdi. keyin ketmonni tashlab yuborib egatga engashdi.

- Sardor, Farhod qaranglar, nima tutdim. - dedi Rahim aka azbaroyi loyga belanganidan nimaligini aniqlash qiyin bo'lgan baliqni ko'rsatib

- Voy, baliq-ku, ada qarang ana yana bittasi yoningizda. - baqirib yubordi Rustam.

- Baliq desa o'zini tomdan tashlaydigan Sardor hech qayoqqa qaramasdan, shaloplatib loy kechgacha paykal oralab yugirib ketdi.

- Ada, mana bu sazanni qarang, qanaqa katta, ariqqa ko'ndalang turib qolibdi, suvni toshirvoribdi, jinnivoy. - dedi u og'zini kappa-kappa ochib, yutoqib nafas olayotgan kattagina baliqni bag'riga bosib kelarkan.

- Jonivorlar, tunov kungi selning jatiga qolishgan bo'lsa kerak-da, bu atrofda yo'q edi bunaqangi baliqlar. - dedi Rahim aka sardorning baliq'ini qo'liga olib.

- Uyg'a olib boringlar, kechqurun qovurib beraman. - Rahim aka shunday deb, suv urib ketgan joylarni to'g'rilashga tutindi.

- Kartoshkangiz baliq soptimi. Sardortoy. - hazillashdi Komil aka, baliq qo'ltiqlab olgan bolalarga. - Bittasini tashlab ket, yo'l haqiga.

- Ho, men uni toza suvda yuvaman. Keyin uyiga olib borib qo'yamiz. - dedi Sardor baliqni qattiqroq bag'riga bosib, uning basharasi loy bo'lib ketgandi.

- Iye, hali uyiniyam bilasanmi. - qiziqdi Komil aka.

- Bilaman, uncha uzoqmas. - dedi Sardor.

- Ja-de, uyiga borgunicha o'li-i-ib qoladi. Daryoda bunaqa baliqlar to'lib yotibdi. Undan ko'ra, adamga etamiz, zo'r qilib pishirib beradilar. - jahl bilan dedi Rustam.

- Bu daryomas, huv maktabimizning orqasidagi hovuzda yashaydi, o'sha yerda bolalaydi. O'zim ko'rganman, hozir ularning tug'adigan payti. Bog'cha opamiz aytinglar, bizni o'sha yoqqa olib borganlar.

Shu payt to'r ko'targan Komil aka hovliqib dala tarafga o'tib ketdi. Sardor haq ekan. Suv ko'payib ketib, baliq urchitiladigan hovuzni ham yuvib ketibdi. Komil aka bilan Rahim aka o'sha ariqdan naq bir qop baliq tutishdi.

Sardor xarxasha qilavergach, mayda baliqlarni ajratib olib, hovlilaridagi beton hovuzchaga qo'yib yuborishdi. Bolalarga ermak topildi. Bog'chadan kelishlari bilan har xil pashsha, chiqin, chuvalchaglarni tutib kelib hovuzchaga tashlashdi. Baliqlar ham bolalarni tanib qolishgan. Ular hovuz chetida paydo bo'lishlari bilan gurillab suv yuziga chiqishadi. Bolalar tashlagan xo'raklarni talashib-tortishib yeyishadi, keyin bolalarga o'yin ham ko'rsatishdi. Baliqlar kattaroq bo'lishgach, ularning yarmisini bog'chalariga olib ketishmoqchi. Chunki, bog'chada ham kattagina hovuz bor, bekorga bo'm-bo'sh yotibdi.



ALOMAT BILAN SALOMAT

- O'yijon, jon, o'yijon, menga ham quyon olib bering, - har gal O'tkirning quyonlarini o'ynatib kelgach xarxasha qiladi Sardor.

- Qo'ysang-chi, avval jonivorlaringni eplavol. Kim qaraydi, ularga. Hammamiz ertalabdan kechgacha ko'chada yursak. - rozi bo'lmasdi oyisi.

- O'yijon, adajon, xo'p deya qolinglar. Eshitdizku, kecha mol do'xtir ham Yumshoq bilan Chaqqonni soppa-sog', yaxshi qarabsizlar deb maqtab ketdi. Quyonlarni ham boqqa olamiz. Men o't o'ra olaman. Tog'amning polizida qizil sabzilarning maydasi shundoq qolib ketibdi. G'olib akamga aytsam, beradilar. - ukasining yonini oldi Rustam.

Nihoyat adalari ularga ikkita quyoncha olib berdi. Yumshoqqa qo'shni qilib ularga ikki xonali uycha qurishdi. Birinchi xonasida ovqatlanishadi, ikkinchi xonasida uxlashadi. - dedi Sardorning adasi hayron bo'layotganini sezib.

Quyonchalar juda chiroyli. Ikkalovi ikki xil. Ularning biri oppoq, ko'zlari qip-qizil. Ikkinchisi kulrang, ko'zi ham ko'kish. Sardor ularga Alomat va Salomat deb ot qo'ydi. Bolalar har kuni bog'chadan qaytgach, galma-galdan quyonlarni tashqarida o'tlatishadi. Kechki sayr ayniqsa. Adolatga yoqadi. Uychasidan chiqishi bilan huddi itga o'xshab osmonga qarab nafas oladi. keyin uzun quloqlarni dikkaytirib oladi-yu, bir nima qidirganday yerdan boshini ko'tarmay yer hidlab ketaveradi. To'satdan to'xtaydi-yu, o'ziga ma'qul maysani kurtillatib chaynaydi, ora-chora Salomat bunday paytlarda sherigidan ko'ra ko'proq Sardor bilan o'ynaydi. Uning oyoqlari orasidagi g'izillab uyoqqa o'tdi, g'izillab buyoqqa o'tadi, ikki oyoqda turib uzoq-uzoqlarga qarab ham qo'yadi. Maysalar ustiga ag'anab-ag'anab oladi. Sardor tutqazgan sabzimi oldingi oyoqlari bilan ushlab shunday g'ajiydiki, Sardorning og'zidan so'laklari oqib ketadi.

- Alomat, ho'v Alomat, qani buyoqqa ke-chi. Bir Salomat bilan kurash tushgin, ko'ray. Kim zo'r ekan? - ancha uzoqlashib qolgan oq quyonchani chaqirdi Sardor.

Alomat darrov to'xtab orqasiga, Sardor qaradi. Lekin joyidan jilmadi.

- Hoy, lokator, nima gapga tushunmaysanmi, tezroq kel. Agar o'zim borsam, kaltak yeysan, - jahli chiqdi Sardorning.

Alomatning o'jarligidan Salomat hijolat tortdi. Keyin, «qo'yaver, o'sha quloqsizni» deganday Sardorning qo'llarini, yuzini yalab-yulqadi.


- Bor-e, hammayog'imni shilta qilib tashlading, shalpanquloq. Akang meni hafa qildi, endi o'zidan ko'rsin-e, yugurib borib, Alomatning bo'ynidan qisib ushladi-da, qafasiga qamab keldi. Birdan Salomat xomush tortib qoldi, o'tlamay ham qo'ydi. Sardor zerikdi. Salomatni ham uychasiga olib kirdi. Alomat ichkari xonada ekan. Sardor uning ilgagini soldi. Keyin Salomatga ikkita sabzi tashladi.

- Aytganimni qilganingda, sen ham sabzi yegan bo'larding, - dedi Sardor ko'zini mo'ltiratib, labini qimtib turgan Alomatga mushd do'laytirib...

Sardor uyg'ondi-yu, yuzini ham yuvmasdan quyonchalari yoniga bordi. U tag'in Alomatga bir narsa bo'lsa akalarimdan baloga qolaman, deb qo'rquardi. Uycha yoniga yuborib qarasa, Alomat turgan xonaning eshik-chasi ochiq. Quyonchalar yonma-yon o'tirilib, «nonushta» qilishyapti.

- Voy, shalpanquloq-ey, akangga rahming keptida. Eshikni qanaqa qilib ochding? - hayron bo'ldi Sardor.

Salomat bo'lsa «endi, bu bizda» deganday bir igr'ishlab Sardorning yoniga keldi, keyin yugurib borib akasiga surkaldi.



Sardorlarning hovlisi etagidagi yangi imoratning egalari hali ko'chib kelishmagan. Lekin tarmoqlariga ekib qo'ygan mevali daraxtlari allaqachon hosilga kirgan. Egasi yo'qligi uchunmi deyarli har bir daraxtga qushlar in qurib olgan. Quyosh chiqmasdanoq qushlarning chag'ir-chug'uri boshlanadi. Ayniqsa, hovliga kiraverishdagi kattakon mirzaterakdan boshpana topgan Zag'izg'on juda mahmadona. Kimning uyida nima bo'layotgani-yu, qayerdan tuzukroq narsa o'mansh mumkinligi haqida ma'lumot to'plab, so'ragan-so'ramaganga shang'illagani-shang'llagan.

Muattar opa endigina soqqan sutni suzayotgan edi. Zag'izg'onoy shang'illaganicha hovlini uch aylanib o'di.

- Og'zingga yog', to'ylar bo'lsin. - deb qo'ydi Muattar opa uning ketidan.

- Bugun sutni pishirmayman, yuz solsin. Mehmon keladi shekilli. - dedi Sardorning piyolachasiga ko'pirib turgan yangi sudtan quyayotib.

- Kim keldi, oyi. - sevinib so'radi Sardor. Chunki u anchadan buyon Shaxnozlamikida turgan buvisini juda sog'madi. Shuning uchun u mehmon buvisi, Valisher bo'lishini juda xohlardi.

Sutni sopol tovoqlarga qo'yib, savatga joylagan Muattar opa uni ilgakka ilarkan, beparvo javob qaytardi: - bilmadim.

- Unda mehmon kelishini qayerdan bildiz? - Zag'izg'on aytdi. - jilmaydi oyisi.

- U qayerdan bilibdi, uning gapiga tushunasizmi?

- Tushunaman. U hech qachon yolg'on gapirmaydi. Ishonmasang, qarab tur ko'rsan.

- Bo'pti.

Sardor akalari bilan bog'chaga kirib ketarkan, adasiga tayinladi: - Mehmon kelsa, bizni olub keting...

Sardor bog'chadan kelib qarasa, rostdan ham hovlida Shaxzod, Valisher, Muhammadjonlar yurishibdi.

- Buvijon, sizlarning kelishingiz bizga Zag'izg'on aytdi. U qayerdan bilganiykin-a, - shosha-pisha so'radi Sardor. - buvisi bilan achom-achom qilgach.

- Olashaqshaqmi? Balo qushda u, bilmagan narsasi yo'q, pochtachini. Har to'kida bir ayb deganlaridek, shu aqliligiga

qo'li egni. O'g'riligi chatoq, qurmagurning. - dedi buvisi Sardonga cho'ntagidan yong'oq olib berarkan. - mana shu yong'oqni ham xakka ekan. Po'chog'i juda qattiq. - deb qo'shib qo'ydi.

- Voy, u hali o'g'rimi? - baravariga so'rashdi bolalar, buvilariga yaqinroq o'tirishib.

- Shunaqa odati bor. Ko'ziga ko'ringan narsani uyasiga tashiydi. O'ziga-ku kerakmas-a, nima qilsin, qarq'ish urganda.

- Qarg'ish qattiq uradimi, buvijon? - So'raydi Farhod.

- Urganda-ki... Olqish olgan odam qanchalik ko'karsa, qarq'ish olgan odam shunchalik azobga qoladi. Aytishlanicha, Zag'izg'on Turon mallikasining suyumli kanizagi bo'lgan ekan. Kanizak nihoyatda go'zal, odobli, xushulq bo'lgandi.

ZAG'IZG'ON

Malika unga nihoyatda ishonarkan. Kanizakda saroyning hamma xonasi - yemakxonaning ham, oshxonaning ham, xosxonaning ham, mehmonxona, hatto xazinaxonaning ham kaliti bor ekan. Kanizak avvaliga juda halol ishlabdi. Hech narsaga beruxsat qo'l tekkizmadibdi. Biroq, keyinroq uni yaramas shayton yo'ldan uribdi. Malikaning xosonasida turadigan xushbo'y iroqi sovunlardan bittasini olib, qo'yniga solibdi. Malika buni sezmadibdi, indamadibdi. Ertasi kuni unga Hindistondan keltirilgan ananas yoqib qolibdi. Xazinazonadagi qora qutichada turgan oltindan yasalgan to'g'nog'ich ko'zini qamashtiribdi...

Kanizak narsalarni o'g'irlashga o'g'irlar ekanu, kun-uzzu kun saroyda bo'lgani uchun ulardan foydalana olmas ekan. Faqat kechqurun yotish oldidan bir zum qo'liga olib, xursand bo'lib qo'yarkan. Keyin-keyin kanizakning xulqi ham o'zgaribdi. Sal qattiqroq chiqqan tovushdan cho'chib ketadigan, yurganda ham ko'zi atrofdan olma-kesak teradigan bo'lib qolibdi.

Bundan malika tashvishga tushibdi, uning ketidan poylay boshlabdi. Bir kuni qarasa, kanizak jondan aziz ko'rgan qizchasining bilagiga taqib qo'ygan marvarid shodalardan birini yechib olayotgan emish. Malikaning dili qattiq og'ribdi. - Azizxon, o'zimdən so'rasang, senga ham keltirib berardim. Nahotki norasidaning buyumiga ko'z olaytirsang. Sendan buni kutmagandim. Bergan

Muhabbat HAMIDOVA

YANGI UCH OG'ALINI BOTIRLARINING SARGUZASHTLARI

non-tuzimga rozi emashman. Sem xaqqa soldim. Hoyo biring ikki bo'lmasin, ko'zing mol-dunyoga to'ymasin. Sirayam odam soniga kirmagin-a, deb yuziga fotixa tortibdi.

Bilasizlarmi, shunda nima sir ro'y beribdi. Kanizak turgan joyida kichrayib-kichrayib qushchaga aylanib qolibdi. Qo'lidagi marvarid shodasi tushib, oyoqlariga o'ralibdi. U marvariddan qutulmoqchi bo'lib xakkalab-xakkalab yuribdi. Qo'rqib ketganidan qo'llari o'mida paydo bo'lgan qanotlarini silkitib uchib ketibdi, saroy hovlisidagi chinorga Gapirmoqchi bo'libdi-yu og'zidan faqat «haq-qa, haqqa» degan tovush chiqibdi.

- Ha, endi sen odam emas, o'la hakkasan. - debdi malika ham achinib, ham nafratlanib. So'ng qizchasini bag'riga bosibdi-yu, saroy ichkarisiga kirib ketibdi.

Qizchaniq bilagidagi marvarid shodalardan yana bin yerga tushibdi. Qushcha chinorda turib buni ko'ribdi. U yoq, bu yoqqa qarab olgach yerga tushib, marvaridni tumshug'iga ilibdi, so'ng allaqayoqqa uchib ketibdi. Shundan buyon u harsa o'g'irlab, ize'ib yurarkan. - deya hikoyalarini tugatibdi buvijonlari.

Bolalarimg bo'lsa shunday chiroyli qushchaga ham rahmlari kelibdi, ham hafa bo'lishibdi.

- Buvijon qachon bo'lsayam zag'izg'on o'z holiga qaytadimi. - so'radi Farhod.

- Qachon yomon odatini tashlasa, - jilmaydi buvisi. - Lekin Shaytonning gapiga kirgan odam hech qachon yalshi odam bo'lmaydi. Haliyam tupp-a-tuzuk og'ri-ku. Ammo aqli ham hamon o'sha, insonlik chog'landek o'tkir. Olloh insof bersa ajabmas, noumid shayton, bolam, - qo'shib qo'ydi buvisi nabirasining javdirab turgan ko'zlariga qararkan.

Ertasi kuni Farhod bilan Sardor terakka chiqib, zag'izg'onning uyasini tekshirdi. U yerda ikki donagina qush turardi.

-Oyi, zag'izg'on yaqinda odamga aylansa kerak, - dedi Sardor, oyisi ishdan kelishi bilan.

-Imda faqat o'zining tuxumlari turibdi. U o'g'rilikni tashlaganga o'xshaydi.

Rahim aka xizmat safariga ketdi. Kechqurun oyisi, har halda dalda bo'lar, deb Reksni shundoq oshxonaga bog'lab qo'ydi. Aksiga olib, avvallari ovoziyam chiqmaydigan itning kechasi bilan tovushi o'chmadi.

- Rustamjon, yur, qaraylik-chi, it o'lgurga bir narsa bo'lgan shekilli. - o'g'lini uyg'otdi Muattar opa.

Ular chiqishi bilan it jim bo'lib qoldi. -Reks uyalmaysanmi? Namuncha akillading, hech kimni uxlatmayapsan-ku, -koyidi Rustam itini.

Reks yotgan joyida unga bir qarab qo'ydi. Keyin oldingi o'ng ko'tarib, panjasini ko'rsatdi. Rustam yugurib borib oyog'ini yoruqqa soldi.

- Oyi, oyog'ini qarang, qon.

- Voy sho'rim, sho'rlikning oyog'ini nimadir kesib ketibdi-ku. Tili yo'qda, ayolmasdan, uvillayvergan. Bor, dori qutini olib chiq.

- Muattar opa itning oyog'ini silab turdida, ehtiyotlik bilan panja orasidagi shisha sinig'ini olib tashladi. It vangillab yubordi. - Bir pas chida, jonivor, - Muattar opa qutichadan yod olib, jarohatiga surdi. Keyin bint bilan yaxshilab o'rab, bog'ladi.

- Ertalabgacha yaxshi bo'lib qoladi, chidagin. O'zing katta itsan-ku, - dedi Rustam Reksning boshini silab.

Reks chindan ham ularni boshqa bezovta qilmadi.

(Davomi bor).



- Лариса, аввало суҳбатимизни болалик даврингиздан бошласак.

- Мен эсимни танганимдан бери кўшиқ айтаман. Ҳатто шунчалик фаоллигимдан боғчадаги ҳар бир тадбирда камида иккитадан кўшиқ куйлатишарди. Ойимнинг айтишларича, 4 ёшлигимда бир эрталикда ҳаммани ажаблантирган эканман. Ўзимнинг ҳам эсимда. Ушанда ойимнинг чиройли кўйлагини, баланд пошнали туфлисини, узун мунчоғини, яна паҳмоқ соч парисини кийиб олиб, тўғри боғча саҳнасига чиқиб олганман. Кўпдан бери ёдлаб юрган кўшигимни эмас, балки Алла Пугачеванинг «Арлекино» номли кўшиғини куйлаганман. Ўзимча тақлид қилганман. Ҳамма қарсақ чалган. Боғча опам уришсалар керак, деб ўйлаганман. Аксинча бўлган.

- Музыка мактабида ҳам ўқигансиз-а?
- Ҳа, у ерга бориб, имтиҳонларни аёло баҳолаштириб, қабул қилингунимга қадар ота-онам беҳабар бўлганлар. Мен улар рози бўлишмаса керак деб ўйлаб, ўзбилармонлик билан иш тутганман. Ушбу мактабга бориб, бир аёлдан «Қандай қилиб бу мактабга кириш мумкин?», - деб сўраганман. Улар менга «Имтиҳон, синовлардан ўтсанг - кирасан», - дедилар. Мен пухта тайёргарлик кўриб, аёло баҳолаш билан ўтиб кетганман. Ўқитувчилар «Ойинг қани?», - деб сўрашганда, менга маслаҳат берган ҳалиги аёлни кўрсатганман. Ота-онам қилмишимдан лол қолганлар. Бироқ артист бўлишимга қаршилиқ

- Болалик хотираларингиз ва илк устозингиз ҳақида гапириб беринг?

- Болаликда ўтган куннинг ҳар бири ўзгача олам. Бундай беғуборликни хотирласангиз, албатта ширин ҳаёлларга бериласангиз. Кўп вақтим уйда китоб ўқиш билан ўтарди. Ота-онам бу ҳолатларимга ҳечам эътироз билдирмасдилар. Мактаб кутубхонасидаги деярли ҳамма китобларни ўқиб бўлиб, колхоз кутубхонасига «хужум»га ўтганман. Энг севган машғулоти китоб ўқиш бўлгани учун қаерга борсам, китоб олиб келардим. Кўлимга тушган китобларни албатта бир кечада ўқиб чиқардим. Шундай кунларнинг бирида мактабга дарс тайёрламай борибман, биринчи ўқитувчим Майнаҳон Алиевдан бир мартагина дакки эшитганман, холос. Кўп ўқиганимдан баъзан асар қаҳрамонларини ҳам алмаштириб кўяр эдим.

- Хотираси кучли бўлган одам кўп нарсаларни осонгина унутгани, дейишди. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

- Аввало, теран фикрлаш даражасига кўтарила билиш керак. Польшанинг атоқли адиби Станислав Еж Лецда шундай бир фикр бор: «Агар Колумб Америкага дуч келмаса, қим билади нимани очган бўлар эди». Ёки

кўрсатишмаган. Мен музыка мактабда Султонова Алла Анваровна раҳбарлигидаги виоланчела синфида аёло баҳолашга ўқиганман.

- Сизни яхшигина спортчи дейишди.

- Спортга кириб келишимга бир воқеа сабаб бўлган. Бир куни кўчада кетаётсам, бир безори хафа қилган. Ушанда «қани энди кучим бўлса-ю, башарасига солсам», деганман. Шундай қилиб, шарқий та-

ни аҳд қилганман. Менга Пак Герасим Ен-Унович тренерлик қилганлар. Машқлар ниҳоятда қийин бўларди. Чарчаганимдан уйга деярли эмаклар келардим. Лекин фойдаси кўп бўлар экан. Спорт ҳақиқатан ҳам инсоннинг ўзига ишонч ҳосил қиларкан. Ирода-ни мустаҳкамларкан. 1992 йил 23 майда Ўзбекистонда аёллар

ўргатмайди. Ўзим кўшиққа ҳамоҳанг равишда ўйнаб юбораман. Албатта бу сунъий эмас, айтилаётган кўшиқни ҳис қилганимдан, тушунганимдан бўлса керак, деб ўйлайман.

- Миллий либосларни қимтан-лаб беради?

- Либосларимни кийим тарихини яхши биладиган, янгиликлардан боҳабар инсон Комила Ёкубова тикиб беради. Бир матони танлаб, ярашиқлик қилиб тикиш, уни тақинчоғу безаклар билан яратиш учун ҳам иқтидор керак. Мен шундай комил тивувчини топганимдан хурсандман.

- Орзу ва режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.
- Орзуларим кўп. Ҳозирча сир сақламоқчиман. Улардан бири мусиқа оламида энг баланд чўққига чиқиш. Режаларимдан бири эса - ўзимнинг концертимни мухлисларимга ҳавола



ЎЗБЕК ХАЛҚ КЎШИҚЛАРИНИ ҚОЙИЛМАҚОМ ҚИЛИБ ИЖРО ЭТАДИ

Лариса Москалёва - Тошкент шаҳрида 1974 йил 28 сентябрда таваллуд топган. У Чилонзор туманидаги 188-мактабда, сўнг 6-болалар музыка мактабида таълим олган. Болалигидан кўшиқ куйлайди. Мактаб хор дастасида яккахон бўлган. Ўзбек халқ кўшиқларини қойилмақом қилиб ижро этади.

эквандо ВТФ Жанубий Корейс йўналишига қатнай бошлаганман.

- Ўқувчиларимизга батафсил тунтуриб берсангиз.

- Таэквандода икки хил йўналиш бўлади. Жанубий Корейс йўналиши (тўлиқ контактли) - унда бор кучини ишга солиб қаттиқ курашиш керак. Шимолий Корейс йўналиши (ярим контактли) - унда сустроқ курашилади. Шунинг учун ҳам атайлаб тўлиқ контактлига қатнашиш

орасида биринчи бўлиб «Биринчи ДАН қора белбоқ»га эга бўлдим. Турли чемпионатларда қатнашдим. Яна унвонлар олдим. Ҳозир тренерлик қиламан. Ўзимнинг шогирдларим бор. Улар орасидан Европа, Жаҳон чемпионлари чиқди.

- Ўзбек халқ кўшиғини куйлаш билан бирга ўзбекча рақс тушасиз. Сир бўлмаса айтинг-чи, ўзбек тилини яхши биласизми?

- Менга аввало продюсер Фарҳод Жўраев ёрдам берадилар. Улар ўзбек тилини ўрганишимга сабабчилар. Асосан ўзбек тилида сўзлашамиз. Баъзи қийин сўзларни тўғри талаффуз эта олмасам ҳам, доимо ўзбекча гапиришга ҳаракат қиламан. Рақсга тушишни эса биров



этиш.
- Муштарийларимизга тилақларингиз.

- Болажонлар доимо соғ бўлишсин. Энг аввало спорт билан шуғулланишсин. Яхши дўстлар орттиришсин. Билим олиш - шиорлари бўлсин, дейман.

- Суҳбатингиз учун ташаккур. Муҳаррама ПИРМАТОВА суҳбатлашди.



«Мен жаҳонга биттагина сўз айтмоқчи эдим. Бунга муяссар бўлолмаганлигим учун ёзувчи бўлиб кетдим», - дейди. Улар каби буюклик ҳам уйғоқ фикрлардан таркиб топади. Аммо ўша осонгина унитилган хотирадан қалбда ойдинликлар қолади. Оппоқ ойдинлик эса ҳаётда камол топиб шаклланишда имкон яратади.

- Журналист бўлиш болалик орзуингиз эдими?

- Йўқ, болаликдаги орзуим фақат санъаткор

БИР КЕЧАДА УҚИЛГАН КИТОБ

бўлиш эди. Санъатга иштиёқим борлиги учун дадам рубоб ҳам сотиб олиб берганлар.

Мактабимиздаги ва тумандаги йиғинларда кўшиқчи сифатида танилгандим. Шу билан бирга туман газетасига ҳам хабарлар, мақолалар ёзиб турардим. 8-синфга ўтишим билан кўлимдан иш келиб қолибди шекилли, акам билан алоқа бўлимида ишлаб бошладим. Кунига қишлоқ оралаб газета тарқатардим. Албатта тарқатишдан аввал ҳамма газеталарни ўзим ўқиб чиқардим. ЎЗТВга ишга келишимда Бағдод телевидениесининг хизмати катта бўлган, десам тўғри бўлади. Бу борада шоир дўстим Иқбол Мирзонинг таклифидан миннатдорман.

- Сиз ҳатто юртбошимиз билан ҳам суҳбат қилаётган журналистсиз. Тайёрлаётган кўрсатувларингиз уларнинг пишиқ-пухталиги, долзарблиги билан сизни элга жуда тез та-

нитди. Бунга ўзингиз қандай қарайсиз?

- Биз дабдабаларсиз ҳам айтишимиз мумкин катга гапларни. Юртбошимиз халққа керакли вақтда, керакли жойда тарих саҳнасига чиқдилар. Қатъиятли, шунингдек ўз халқига

гамхўр юртбошимиздан жуда кўп ҳислатларни ўрганишимиз керак. Ўзбекистон аҳолисининг чинакам бахти бор, дейман. Чунки халқини севган, инсонларини улуғлаган юртбошиси бор. Журналистлар ҳам халқ дарди ва қувончи билан яшайди. Тайёрлаётган кўрсатувларимиз халқимизга ёқибдими, демак изланишдан чарчамаслигимиз керак.

- Ёлгон сўзга муносабатингиз?
- Ёлгон сўз доим ҳақиқатдан қўрқайди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бўлганидек, яхшилиқ учун баъзан ёлгон сўзлаш ҳам фойдали деб биламан.

- Ўзбекистон ёшларининг севиб куйлайдиган оммавий кўшиқлари бўлиши керак, дея фикр билдирганингизда биз томошабинларнинг ичимиздаги фикримизни ўқигандек бўлдингиз. «Ҳеч кимга бермаймиз, сеини

Соҳибжон Алижонов. 1968 йилда Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Бағдод қишлоғида туғилган. Тумандаги 6-мактабни аёло баҳолаш билан татомлаган. Оилали. Нилуфар, Садоқат, Азизжонларнинг меҳрибон отаси. Рафиқаси Каримахон Алижонова Собир Раҳимов туманига қарашли 326-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси.




Ўзбекистон» кўшиғи чин маънода ёшларимизнинг севимли кўшиғига айланиб қолди.

- Яқинда бўлиб ўтган ҳарбий кўшиқлар танлови ҳам айнан шу ном билан юритилди. Бундан бир мен эмас, балки халқини севган ҳар бир инсон фахрланди. Болаларимиз эртақ қаҳрамонларининг ижобий ҳислатларидан ибрат оладилар. Демак, болага пул санашдан кўра, кўпроқ китоб ўқишни ўргатиш керак. Китоб ўқиган боланинг маънавияти бой бўлади. «Сенга бир вагон музқаймоқ керакми ёки дўстингми?» деб сўрасак, унинг «дўстим керак» дегани боланинг юксак маънавиятидан дарак. Шунинг учун ҳам кўшиқларда меҳр бўлиши керак. Яхши кўшиқ қалбга хурматни, садоқатни, оқибатни жойлайди. Севимли хонандамиз Юлдуз Усмоновнинг бу кўшиғида мен чинакам меҳрни топдим.

- Болаларга тилақларингиз?
- Мустақил юртимизнинг бахтиёр болаларига соғлиқ, ўқиб ўрганишларида сабр-тоқат тиламан. Янги асиримизнинг чин маънодаги ҳақиқий фарзандлари бўлишсин. Кўпроқ китоб ўқишсин, фойдали ишларни ўрганишсин.

Суҳбатдош
Маъмура МАДРАҲИМОВА



Суратда «Давр» журналисти Соҳибжон АЛИЖОНОВ оиласи билан.

ХАЛҚ ИРИМЛАРИ

Бугунги дунёмизда 250 миллиондан ортиқ туркий тилда сўзлашувчи халқларимиз яшамоқда. Энг кўп сўзлашаётган тил яъни, 5-ўринда туркий тил туриши ЮНЕСКО тарафидан тасдиқланган. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро ва Алишер Навоий каби улуг ижодкорларимизнинг китоблари ана шу 250 миллионлик дунё аҳолиси томонидан севиб ўқилмоқда. Айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналарида тарих, тил, маданият яқинлиги билинади. Ўзбекистондан 5-6 минг чақирим узоқликдаги Қибрис оролида ярим миллионга яқин қардошларимиз яшайди. Уларнинг мумтоз адабиётидаги Шамъий каби ғажалнавис шоирлари асарларини худди Фузулий китобини таржимасиз ўқиганимиз каби ўқишимиз мумкин. Фольклори, айниқса, мақоллари ва халқ инончлари ўзбекларга жуда ўхшаш ва яқиндир. Қардошларимиз ўзининг 11 минг йиллик маданий яшам тарихида оташпарастлик, будда, Кўк дини, шаманлик, яхудий (Мусовийлик), христиан (Исавийлик) ва Ислон динига мансуб бўлган. Бугунда уларнинг асосий кўпчилиги қисми мусулмондир. Бизнинг иримларимизда ҳам, қибрисларнинг инончларида ҳам ана шу динлар таъсири мавжуд. Қибрис оролида асосан икки халқ - шимолий қибрислик мусулмонлар ва жанубий қибрислик юнонлар яшайди. Шимолий қибрислик қардошларимизнинг тили тилимизга, эли элимизга жуда яқинлигини қуйидаги халқ иримларидан ҳам билиш мумкин.

“Шошилич ишга шайтон аралашади” дейилади ва бунга инонилади, бир ишга қўл урганда, бу ирим эсланади.

“Ўтга туфлаш, сийиш гуноҳ”, “Ўт ўйнаган бола, кўрпасига сийиб кўяди” деган ирим ҳам бор.

“Тик туриб, емак ема, ёмон бўлади. Оёқда туриб овқат ейилса, яринини шайтон ейди” дейилади.

Бошига куш аҳлати кўнса, кишининг иши юришади.

Бойкушнинг бир уйга ути ёмонлик келтиради. Бойкуш қўнган уйда ўлик чиқади.

“Янги ойни кўрдим, ўшиликдир” дейилади ва кийинлар янги ойни кўрганларида шундай дуо ўқишади: “Ойни кўрдим, Оллоҳ! Аманту биллоҳ. Ойлар муборак бўлсин! Алҳамдулиллоҳ!”. Шундан сўнг ойга қараб туриб, Тангрига тилагини айтиб ёлворса, тилак амалга ошишига ишонилари.

“Чақалоқ устидан биров хатласа, бўйи ўсмай қолади” деган ирим ҳам бор. Бириси билмасдан хатлаб қўйса, яна ортига қараб хатлашади.

“Ўнг кўзинг учса - яхшилик, чап кўзинг учса - ёмонлик хабари келади”.

Остонада ўтириш яхши эмас.

Уйнинг киришига ташқарига осилса, яхшилик келтиради, ёмон кўздан кўрийд.

Уйнинг кириш ерига Кўчқорнинг бош суяги осилса, қут келтиради, ёмон кўзлардан асрайди.

Кечаси тирноқ олиш ёмонликдир. Тунда тегирмон ишлатилса, йўқлик келтиради.

Кун ботгандан кейин тухум ёки хамиртуруш берилмайди. Агарда заруратдан бирор қўшнига берилса, устига кўмир суртиб қўйилади, шунда фалокати арийди.

Кечаси туз берилмайди, агарда берилса, бу уйдан тот-туз қочади.

Кечаси кўзгуга қаралмайди. Кимки кўзгуга боқса, у уйга шайтонлар киради.

Тунда уйдан ташқарига сўз берилмайди, берилса, йўқсиллик келади.

Кечаси хуштак чалинмайди, ким чалса, бошига шайтонлар сияди.

Кечаси уй супуриш ёмонлик келтиради.

Кечаси ким уйини супурса, ўша оила у уйдан ҳайдалади.

Тунда пиёз ейиш ёмондир, ким пиёз еса, ёнига малаклар келмайди.

Икки кишининг ўртасидан ит мушук ўтса, уларнинг ораси бузилади.

Икки байрам орасида ёки оралик (декабр) ойида қилинган никоҳ муваффақиятсизлик, айрилиқ келтиради.

Чумоли уй ичига уя қурса, у уйдан барака кетади, эгалари ҳайдалади.

Уй қуриш бошланганда, хўроз ёки кўй сўйиб қон чиқарилади, бу иш уйнинг яхшилик билан битиши учун қилинади. Акс ҳолда қурилишда ишлаганлардан бирининг фалокатга учраб, қони оқади, деган ирим бор.

Мушук ўлдириш етти йил фалокат келтиради. Мушук ўлдирган киши етти масжид қурдирсагина Оллоҳ тарафдан авф этилар экан.

Олинган тирноқлар кўмилса, охи-ратда эгасини топар экан.

Ерда ётган соч босилса, эгасининг боши оғрийд.

Ким қалдирғочнинг уясини бузса, ўзининг уйи бузилади.

Қайчининг оғзини очиб қолдириш эгасининг умри озлигини билдиради.

Мозорнинг очиб қолиши ёмонликка йўйилади (бу тупроқнинг тўйманганини, бошқаларнинг ҳам ўлишини билдиради).

Дастурхонда нон кесганнинг умри кесилади.

Узоққа кетаётган кишининг орқасидан сув сочилса, унинг эсон-омон қайтишига ишонилади.

Туққан хотиннинг ёнида уч кунгача бир одам ўтириши керак, акс ҳолда хотинни ё боласини жин чалиши мумкин.

Чақалоқ кўкка қараганича оғзи очиб йиғласа, унинг отаси ўлади.

Бировнинг қўлига совун берилмайди, берилса, ўртага совуқчилик тушади.

Бировга тўғридан-тўғри пичоқ, қайчи каби кесувчи нарсалар берилмайди, берилса, ора бузилади.

Бир киши ўларкан, кўмилгунча ўша уй супурилмайди (супурилса, суприндилар ўликнинг мазорига борар экан).

Мажлисдаги жамоат жума номозидан чиққунча уйда ҳар қанақа супир-сидир, тозалаш, ювиш ишларини қилиш ёмонлик келтиради.

Кўлларни бир-бирига солиштириб, боғлиқ ҳолда ўтирилмайди, шундай қилинса, у кишининг қисмати боғланади.

Уйда меҳмон капалаги кўринса, кун тугамасдан ўша уйга кўноқ келади.

Тоҳир ҚАҲҲОР тайёрлади.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
КЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ҳотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
“Ijod dunyosi”
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатда
офсет усулида 39092
нускада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буюртма - К-8155
Газетани
Муҳаббат
МАҲСУДОВА
сахифалади.
Набатчи:
Муҳаррамма
ПИРМАТОВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34

БОШҚОҒИРМА

БҲИГА: 1. Илмли киши. 2. Байрамдан олдинги кун. 3. Доим яшил хушбўй дарахт. 4. Талабалар яшайдиган бино. 5. Лампа ёқилгиси. 7. Данагидан мағзи ширин. 8. Кўпиксимон куйуқ оқ ширинлик. 12. Тун қуши. 13. Кунга боқиб турувчи ўсимлик. 16. Ёзувчи Учқун Назаров асари. 17. Рангсиз ва ҳилсиз газ. 18. Одамнинг пўсти. 19. «Тарзан» фильмдаги маймуннинг лақаби. 20. Инсон организми учун керакли модда. 21. Двигательдаги сувни совутувчи асбоб. 23. Аканинг хотини. 24. Кумушсимон оқ металл. 25. Театр жамоаси. 28. Кийимнинг ички қавати. 29. Ўғил боланинг исми.

ЭНИГА: 6. Дуралгорлик асбоби. 9. Иссиқ ҳона. 10. IX-X асрларда яшаб ўтган қомусий олим. 11. Ҳамма вақт ҳамиша. 12. Ёш чўри аёл. 14. Ялтироқ юпқа тери. 15. Эрталабки хўрак. 18. Кичкина тугма. 20. Бирор ишнинг яна бир нусхаси. 22. Яратувчи, бунёдкор. 26. Ҳинд аёлларининг уст кийими. 27. Тинчлик рамзи бўлган қуш. 30. Суяк ичидаги ёғсимон модда. 31. Айтиб туриб ёздириладиган ёзма иш. 32. Машҳур хадисшунос олим. 33. Чевара.

Тузувчи Шерзод ЗОЙИРОВ,
Тошкентдаги 229-мактабнинг ўқувчиси.

